



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (12.175)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Худудий саноат ярмаркаси

ПОЙТАХТ САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Шаҳримизнинг «Кўргазмасавдо маркази»да Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан икки кун давомидан навбатдаги Тошкент худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Ярмарка-биржада мамлакатимизнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий ва маданий-маърифий маркази, балки юқори даражада ривожланган саноат тармоғига эга мегаполис бўлмиш Тошкент шаҳрининг 150 дан зиёд саноат корхоналари иштирок этди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иштирокчилари сони кейинги 3 йилда 3,5 мартаба ортган.

Тошкент худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат. Зотан, ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улшининг ўсиши ва валюта ресурсларини тежашга сабаб бўлади. Бу эса юртимизда аҳоли бандлигини оширишга, давлат бюджетининг даромад манбалари кенгайтишига ва ижтимоий барқарорлигининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади. Кооперация биржаси корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш механизмларидан бири саналади.

Худудий саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг биринчи босқичи бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ички тармоқ ва тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали қайта

ишланган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш бўйича узоқ мuddатли хўжалик алоқаларини ривожлантиришга қўмақлашади.

Саноат ярмаркасида иштирок этиш янги шерикларни топиш ва махсулот етказиб бериш қўламини кенгайтириш имконини яратди, — дейди «ELITE GLOBAL PLAST» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Хуршид Бозоров. — Корхонамиз 1995 йилда полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган. Кейинчалик замон талабига мувофиқ, аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқара бошладик. Кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган ошхона идишлари, уй-рўзғор буюмлари, жами юздан ортқ маҳсулотларимиз истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Дастлабки йилларда корхонамиз 5-10 та ходим билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 100 дан ортди. Эътиборли томони коллеж батирувчилари учун ишчи ўринлари яратилмоқда. Шу билан бирга қўшни давлатларга ҳам маҳсулотларимизнинг экспорти амалга оширилмоқда. 2011 йилда маҳсулотларимизнинг 60-70 фоизини хорижий давлатларга экспорт қилишга эришдик. Бу бизга корхонамиз фаолиятини кенгайтиришга, иқтисодий барқарорликка эришиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда гематология ва трансфузиологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ГЕМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, Гематологлар ва трансфузиологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, тадқиқотчилар иштирок этди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Алимов, Гематология ва қон қуйиш

илмий текшириш институти директори Х.Каримов, Республика ОИТС маркази директори Н.Отабеков ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник салоҳиятини юксалтириш ва халқимизга жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайти-

ҚИСҚА САТРАПДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Огоҳ-

лик — давр талаби» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** С. Сирожиддинов номи академик лицейда «Хайр нурли масканим» деб номланган маъна-

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳамда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ГФР Федерал адлия вазирлиги, Бранденбург ўлкаси адлия вазирлиги вакиллари, маъмурий ҳуқуқ масалалари билан шуғулланадиган ҳуқуқшунослар, журналистлар ҳамда Германия Федерал адлия вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) томонидан ташкил этилган амалий сафар доирасида ушбу мамлакатга келган Ўзбекистон делегациясининг аъзолари иштирок этдилар.

Давра суҳбати қатнашчиларининг эътибори мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич ва изчил хусусиятга экинлигига қаратилди.

Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган ҳамда Ўзбекистонда демократик ислохотлар янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида акс этган давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти институтиларини мустаҳкамлаш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги ташаббуслар тўғрисидаги маълумотларга атрофлича эътибор қаратилди.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя этилгани ҳолда демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсади белгилаб олингани ва бу, ўз навбатида, Конституция ва бoshқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топгани алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари юртимизда изчил равишда ҳаётга татбиқ этилаётган ҳамда «ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойили асосий мазмуни ва моҳияти сифатида белгилаб олинган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, демократлаштириш ва либераллаштиришнинг ўзига хос ва узага мос моделига эътибор қаратилди.

Таъдбир чоғида сўзга чиққанлар судларнинг итисослашуви, фуқаролик ва жиний ишлар бўйича судларни яратиш бўйича ҳаётга татбиқ этилган ишлар адолатли ҳукм сифати ва самарадорлигининг сезиларли да-

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мавзусига бағишланди.

ражада оширишга қўмақлашганини баён қилдилар. Бундан ташқари, прокурор ва адвокат тенглигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи изчил равишда амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, миллий ҳуқуқ тизимига инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги муҳофазасини таъминлашнинг

тиришга қаратилгандир. У Германия маъмурий суд идораларида ишлаган даврида орттирган тажрибасини ҳам давра суҳбати иштирокчилари билан ўртоқлашди.

Бранденбург ўлкаси адлия вазирлигининг бўлими бошлиғи, доктор Георг Киришник-Шмидт Ўзбекистон делегациясининг Германияга сафари да-

стури доирасида ўлка Адлия вазирлигида ҳар икки томон учун мазмунли ва фойдали бўлган мулоқот бўлиб ўтганини маълум қилди. Шунингдек, музокаралар чоғида Германия ва Ўзбекистон ўртасида ҳуқуқнинг турли тармоқларидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

«Элчихонадаги давра суҳбати фикр ва таърибга алмашишнинг давоми бўлди, деди у. Ўзбекистонлик мазрузачиларнинг чиқишларидан шахсан мен ниҳоятда муҳим маълумотларни олдим. Давра суҳбати воситасида биз Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимининг бугунги тараққиёти ва ҳаётга татбиқ этилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақида атрофлича билиш имконига эга бўлдик».

Берлин Иқтисодиёт ва ҳуқуқ олий мактабининг Марказий ва Шарқий Европада бошқаруви модернизациялаш ва полицияни ислоҳ қилиш институти раҳбари, профессор Остен Баллер Ўзбекистонда маъмурий қонунчиликни ривожлантириш билан боғлиқ маълумотлар ўзидан катта қизиқиш уйғотганини қайд этди.

Унинг сўзларига қараганда, маъмурий тартиблар тўғрисидаги кодексни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, судлар мустақиллигини таъминлаш ва маъмурий кодекс қондаларини амалиётга жорий қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон делегациясининг Германияга сафари чоғида ушбу мамлакатнинг турли вазирлик ва идораларида қатор амалий учрашувлар ташкил қилинди. Бўлиб ўтган музокаралар, фикр ва таъриб алмашувлари Германия томонининг Ўзбекистон билан суд-ҳуқуқ тизимини ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган қизиқишини ҳамда бу соҳадаги ислохотларни янада ривожлантиришга қўмақлашишга тайёр эканлигини намоён этди.

«Жаҳон» АА Берлин

БЕРЛИНДА ДАВРА СУҲБАТИ

мужим воситаси бўлмиш «Хабас корпус» институтининг жорий қилиниши эса ниҳоятда муҳим воқеа бўлди. Амалга оширилган сай-ҳаракатлар натижасида илгори халқаро ютуқларни, шу жумладан, Германиянинг маъмурий ҳуқуқ ва адлия соҳасида эришган муваффақиятларини ўзида акс эттирувчи Кодекс лойиҳасининг дастлабки вариантни ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги вақтда эксперт ва олимлар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Мавзу доирасидаги мунозаралар чоғида Германия Федерал адлия вазирлигининг халқаро ҳуқуқий шартномалар бўлими бошлиғи Йозеф Бринк ушбу таъдбир Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни муҳокама қилиш учун яхши имконият яратиб берганини таъкидлади.

Унинг фикрича, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган янги таъдбирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ўз вақтида қўл урилган ва долзарб ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Й.Бринк, шунингдек, икки мамлакат адлия вазирликлари ўртасида ҳуқуқий соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун қулай имкониятни тақдим этадиган ҳамкорлик тўғрисидаги тегишли икки томонлама ҳужжат яқин мuddатларда имзоланишига умид билдирди.

Таъдбирда иштирок этган IRZ маслаҳатчиси, Саксония-Анхальт федерал ўлкаси Олий маъмурий судининг собик раиси, доктор Герд-Хайрих Кемпер қайд этганидек, Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва ҳуқуқий давлатни шаклланди.

ришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар янада такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда гематология ва трансфузиология хизматини тубдан такомиллаштириш, илм-фан ва жаҳон тиббиётининг ютуқларидан самарали фойдаланиш, илмий-амалий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор лойиҳа ҳамда дастурлар амалга оширилмоқда. Жойлардаги қон қуйиш станциялари капитал реконструкция этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий давлат кончилик институтида «Жасоратга чорловчи сўз» мавзусида маърифий анжуман ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий худудий бўлими маси, Навоий давлат кончилик институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Махалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тарихчи олимлар, ўқитувчи ва талаба-ёшлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

• Тайлоқ туманида фаолият бошлаган «Қундузак евро сервис» масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология асосида гўш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона фаолият бошлаши билан ўнга яқин ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» халқаро бизнес марказида оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, Ўзбекистон матбуот ва ахборот, алоқа ва ахборотлаштириш агентликлари, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва унинг Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари филиаллари раҳбарлари, маҳаллий газеталар муҳаррирлари иштирок этди.

• Бухоро вилоятида жорий ёз мавсумида 17 минг нафардан ортқ болажонларнинг дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган. Бунинг учун шаҳар ташқарисидаги 18 оромгоҳ ва таълим муассасалари қошида ташкил қилинган 74 кундузги соғломлаштириш масканларида барча ша-роитлар яратилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Ироқнинг Бағдод шаҳрида амалга оширилган портлаш натижасида 6 киши ҳалок бўлди, 38 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Кеча Туркияда рўй берган қучли zilзила натижасида 60 киши жабрланди, вайронагарчилик ҳолатлари ҳам мавжуд. Зилзила Мисрда ҳам қайд этилди.

• Полиция Нигерияда ўғирлаб кетилган футболчини озод қилишга муваффақ бўлди.

• Хитой ва австралиялик олимлар ҳамкорликда ювишни талаб қилмайдиган кийим яратдилар. Маълумотларга қараганда, мазкур ўзига хос кийим қуёш нурида ўзини тозалаш хусусиятига эга. Хабарларга кўра, ушбу кийимнинг матоси титаниннг анатаз-ли туридан тайёрланади. Яқин кунларда қўллаб дўконларда бундай махсус матодан тайёрланган кийимлар сотува қўйилади.

• Япония ҳукумати уй ҳайвонлари ва паррандалари озукасини тайёрловчи кишилар томонидан таркибида хавfli компонентлар мавжуд маҳсулотларнинг импорт қилиниши ва савдосига қарши янги қонун ишлаб чиқди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, мазкур қонунни бузган шахсга нисбатан бир йиллик қамоқ жазоси ва бир миллион АҚШ доллари миқдориди жарима белгиланган.

• «Walt Disney» компаниясига тегишли ABC телетармоғи болалар теледастурилари давомида фаст-фуд маҳсулотлари рекламалари намойишини чеклади. Шунингдек, телетармоқнинг барча сайтларида бундай рекламалар берилмайдди. АҚШда ҳар уч боладан бири семизлик ва холестерин миқдорининг кўпайиши оқибатида юзага келади-ган хасталиклар билан оғрийдди. Бунга эса фаст-фуд маҳсулотлари сабабчи.

• Франция худудидидаги ўн иккита гордан археологлар қояларга ўйиб чиқилган олтмишга яқин антиқа суратларни аниқладилар. Хабарларга кўра, тасвирларда бир нечта йиртқич ҳайвоннинг ҳаракатланаётган вақти турли кўринишларда акс этган. Олимларнинг айтишича, бу топилма ўша вақтларда ҳам рассомлар аниқлаш жана анимация жанридан хабардор эканининг далилидир.

ЎЗБЕКИСТОН

Давлат консерваториясида «Икки авлод сулоласи» номидаги концерт дастури бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Икки авлод сулоласи» номидаги концерт дастури бўлиб ўтди.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Қушбеги» маҳалласи фаоллари ва ёшлари иштирокда «Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини фаол таъминлашда кўмаклашмоқда.

Мазкур жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, айниқса «Надавлат нотижорат ташкилотлари», «Надавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»-ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»-ги, «Ҳомийлик тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қонунлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га бағишланган маърузасида фуқаролик жамияти институтларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилишига устувор эътибор берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашлирининг 2008 йил 3 июндаги «Надавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Кўшма қарорининг қабул қилиниши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми яратилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш **Жамоат фонди** ҳамда **Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси** тузилди.

Асосий мақсад — мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш иборат.

Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағлари Парламент комиссияси қарорларига асосан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси, давлат грантлари шаклида 2008-2011 йилларда жами 15,4 млрд. сўмдан ортиқ молиявий маблағлар ажратилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига мос равишда, Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан 18 мартаба грант танловлари ўтказилди. Мазкур танловларда 1200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 1500 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этди.

Ҳар бир ижтимоий лойиҳа чуқур таҳлил қилиниб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан ва лойиҳаларнинг ижтимоий самарадорлигидан келиб чиқиб, жами 353 та грант лойиҳаси танловларда ғолиб деб топилди ҳамда жами 4 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда тўлиқ молиялаштирилди.

Хусусан, 2011 йилда Парламент комиссияси томонидан 5 млрд. сўм миқдордаги маблағ давлат гранти, субсидияси ва ижтимоий буюртмаси шаклида 230 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. 2011 йилда 5 та грант танловлари ўтказилди, уларда 600 дан ортиқ ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг 700 дан ортиқ лойиҳалари билан иштирок этишди. Танлов натижаларига кўра, Парламент комиссияси қарорлари асосида ННТ ва фуқаролик жамиятининг 148 лойиҳаси давлат грантлари шаклида 2 млрд 131,6 млн. сўм миқдорда молиялаштирилди.

2008-2011 йилларда ўтказилган танловларда Тошкент шаҳридан 349 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 447 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этган.

Қайд этилган йиллар давомида Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, Тошкент

шаҳридан ғолиб деб топилган 106 та лойиҳа жами 1499,9 млн. сўм миқдорда молиялаштирилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида аҳолининг турли ижтимоий қатламлари — аёллар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган шахсларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ҳудудларимизда миллий хунармандчилигимизнинг турли шакллари ривожлантириш, йирик корхоналар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш, касбга тайёрлаш, жамиятда ҳуқуқий ва инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтириш, жойларда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВларнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш каби йўналишларда талай ижобий ишлар олиб борилган.

Хусусан, Тошкент шаҳрида 10 000 нафарга яқин аёллар, ёшлар ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига жалб этилган. Шулардан 100 ортиқ киши доимий иш билан таъминланди.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА

Юқорида қайд этилган ижтимоий қатламлари касбга қайта тайёрлашда ва иш билан таъминлашда, грант лойиҳаларига ажратилган маблағлар ҳисобига Тошкент шаҳридан грант соҳиблари бўлган ННТлар томонидан 55 та замонавий компьютер, 40 та тикув машинаси ва 41 та замонавий мебеллар сотиб олинди, 50 000 га яқин фуқаролар замонавий интеллектуал касбларга қайта тайёрланди.

Бугунги кунда жойларда фуқароларимиз ва ННТ ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларни шерик қилиб олиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг ҳақон тажрибасида камёб бўлган миллий моделimizi имкониятларидан янада кенгрок фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, молиялаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши самарасини аниқлаш ва пул маблағларининг мақсадли сарфларини юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилмоқда.

Мониторинг натижаларига кўра, 2009 йилда давлат гранти соҳиб бўлган «Тадбиркор ва ишбилармон аёллар» жамоат бирлашмаси томонидан 2 700 минг сўм, «Нур» тадбиркор аёллар ассоциацияси томонидан 693,6 минг сўм, «Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциацияси» томонидан 208,7 минг сўм, шу каби 11 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан жами 5 583,4 минг сўм, 2010 йилда — «Нафосат» ННТ томонидан 119,7 минг сўм, «Умидворлик» маркази томонидан 652,6 минг сўм, Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти томонидан 1 190,5 минг сўм, шу каби 12 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан жами 7 677,1 минг сўм миқдордаги маблағлар мақсадсиз сарфланганлиги аниқланди. Мазкур маблағларни Жамоат фондига қайтариш юзасидан тегишли чоралар қўрилмоқда.

2012 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини молиялаштириш учун 2 млрд. 626 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар миқдори ўтган йилга нисбатан 23 фоизга ошганлигини кўрсатади.

Жорий 2012 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Парламент комиссияси томонидан 6 млрд. сўм ёки ўтган 2011 йил билан таққослаганда 20 фоиз кўп миқдорда маблағлар давлат бюджети ҳисобидан йўналтирилмоқда. Шундан 2,3 млрд. сўмни давлат субсидияси ва 1,074 млрд.сўмни давлат ижтимоий буюртмаси ташкил этади.

Тасдиқланган режага асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан жорий йилнинг 20 апрелидан бошлаб, 18 майга қадар ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 2 та танлов эълон қилинди.

Биринчи грант танлови ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оши-

ришда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикаимизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилишга қаратилган бўлиб, 2012 йилда мазкур йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга 1 110 млн. сўм маблағ тақсимланди. Мазкур маблағ ўтган 2011 йил билан таққослаганда 23 фоизга ошди.

Мазкур танлов жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ хунармандчилиги, айниқса узоқ қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрталари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш, жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш каби йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Иккинчи грант танлови мустақил оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган бўлиб, жорий йилда 486 млн. сўм миқдорда давлат гранти ажратилди. Ушбу кўрсаткич 2011 йил билан таққослаганда 62 фоизга ошди.

Ушбу танлов демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнини ОАВда кенг ёритиш, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқарувиининг устувор вазифаларини ҳал этишда нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ифода этадиган қарорлар ҳақида кенг маълумот олишларини таъминлаш, ахборот эркинлигини, аҳолининг маълумот олиш бора-сидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашлари ва муносабатларини эркин баён этишларига зарур шароитлар яратишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш, Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиб бориш жараёнини нодавлат ОАВларда кенг ёритилиши, нодавлат ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш, миллий матбуотнинг сифати, кадрлар маҳорати ва самарасини изчил ошириш, ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, аҳолининг экологик, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва инсон раванқи йўлидаги ишларни кенг ёритишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқини юксалтириш, уларда миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини сингдириш каби қуйидаги йўналишларда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Битта лойиҳа учун 15 млн. сўмгача грант маблағи ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур танловларда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этади деб умид қиламиз.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси

ПОЙТАХТ САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 9 мингга яқин корхоналар томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Улар томонидан ҳар йили 800 млрд сўмдан зиёд маҳсулотлар тайёрланмоқда. Мазкур тармоқда 125 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар фаолият юритади. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқариш улуши 20,6 фоизни ташкил этиб, 2008 йил билан таққослаганда 4,9 фоизга ортганини айтиш мумкин.

Бу йилги ярмарка-биржа стендларида томошабин ва меҳмонлар эътиборига шаҳарнинг энг яхши корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, уларнинг тақдимотлари ҳавола қилинди. Қайд этиш жоизки, корхоналарнинг 85 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мансуб бўлса, 88 та корхоналар маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларидир. Иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қиладиган мазкур тадбирда тақдим этилган маҳсулотлар нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам катта талабга эга. Ярмарка-биржада шаҳарнинг барча саноат тармоқлари иштирок этмоқда: электротехника (электромашини товарларни ҳисобга олганда), металлни қайта ишлаш, машинасозлик, курилиш моллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, тиббиёт, қайта ишлаш ва озик-овқат, енгил, чарм-пойабзал, кимё, мебель, чинни, босмаҳона саноати ва бошқалар.

Авалги ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари яқунларига кўра, биржада тузилган шартномалар ҳар йили ўрта ҳисобда 1,4 мартаба ортмоқда. Жорий йилда биржа доирасида 40,0 млрд сўм ва 50 млн АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари маҳсулот харид қилиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилишга шартномалар имзолаш ҳар йили ўрта ҳисобда 1,4 мартаба ошмоқда ва жорий йилда тегишли равишда 40 млрд сўм ва 50 млн АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда.

Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш 2008 йил билан таққослаганда 3,5 мартаба ортиб, 20 млн АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Ярмарка-биржа доирасида қатор амалий семинарлар ўтказилди. Бундай семинарлар нафақат иштирокчилар, балки меҳмонлар ва ташриф буюрувчилар учун ҳам фойдалидир. Чунки, мазкур семинарлар ҳўжалик йўрутвчи субъектларга иқтисодиёт, молия, менежмент соҳаларидаги касбий кўникмаларини тўлдирши, солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиш борасида мутахассислар маслаҳатларини олиш имкониятини беради.

Тошкент ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иши давомида хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар етказиб бериш, шунингдек, тайёр маҳсулот сотишга шартномалар имзоланди.

Навбатдаги ярмарка-биржа ҳудудий ривожланиши, йирик ва кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига замин яратиши, шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

ГЕМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш ва беғараз донорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. 2002 йилда «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»-ги қонун қабул қилинган.

Аҳоли, хусусан, оналар ва болалар ўртасида камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида уни фойдали моддалар билан бойитиш, темир препаратлари ва фойли кислотаси сепментацияси, овқатланишни яхшилаш, тўғри ва рационал овқатланишни тарғиб этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида камқонлик хасталигини сезиларли камайтиришга эришилаётди.

Гематология хизмати сифатини янада оширишда илм-фан соҳасида эришилаётган натижалар муҳим омил бўлаётди. Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти олимлари бу борада ҳақон тиббиётининг долзарб муаммоларига оид ўндан зиёд лойиҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бормоқда. Илмий излашлар натижасида диагностика ва даволаш соҳасида бир қатор янги усул ва шифо воситалари яратилиб, амалга татиқ этилаётди.

Анжуманда гематология ва трансфузиология хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, ОИТСнинг олдини олиш, беғараз донорликни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар самаралари, қон тизими касалликларига замонавий молекуляр-генетик диагностика усуллари қўллаш, гемофилияни даволаш, сурунқали миелолойкоз беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга оид мавзуларда маърузалар тинланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Анжуманлар

МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Тошкент Ислам университетида Талабалар илмий жамиятининг «Мустаҳқам оила — жамият пойдевори» мавзусидаги конференцияси бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, жамиятнинг асосий оила саналади, агар унинг пойдевори бакуват бўлса, жамият ҳам мустаҳқам бўлади. Аждодларимиз ҳам азал-азалдан оила масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Шу сабаб Амир Темур бобомиз келин танлашни давлат сиёсати даражасидагидек муҳим иш сифатида кўрган. «Саҳиҳ Бухорий» мўтабар китобнинг тўпловчи Имом Бухорийнинг онаси кўзи кўрмайдиган чақалогини оиласи, фарзандини ўйлаб, метин ирода билан парваришлагани боис кичкина Мухаммад нафақат дунёвий, балки диний илмларни ҳам яққол кўра олди ҳамда улкан ҳазина қолдирди. Буюк сиймоларимиз, мўтабар оналаримизга хос бундай мисолларни яна юзлаб, минглаб келтириш мумкин.

Тошкент Ислам университетида ўтказилган конференцияда ҳам айтиш шубҳасиз мисоллар келтирилиб, «Мустаҳқам оила — юрт таяничи», «Оила мустаҳқамлигида иқтисоднинг аҳамияти», «Ислам манбаларида ахлоқ масалаларининг ёритилиши» ва бошқа мавзулардаги маърузалар тинланди. Анжуман ниҳоясида билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинди, устозлар томонидан талабаларнинг келгуси илмий ва ижодий ишларига муваффақиятлар тиланди, энг яхши маърузачиларга эсдалик совгалари топширилди.

Ф. БОБОЖОНОВ,
Тошкент Ислам университети
Маънавият, маърифат ва
иқтидорли талабалар билан
ишлаш
бўлими бошлиғи в.б.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, асрлар маржонини тизиб келаётган кўҳна обидалар, тарихий ёдгорликларни кўриб, дилдан қувониб кетасиз. Бундай ноёб обидаларни кўрганингизда, бир томондан ўзбек меъморчилик санъатининг жозибасидан ҳайратга тушсангиз, яна бир жиҳатдан уларни қурдирган аждодларимизга нисбатан фахрланиш ҳиссини туясиз.

Ёшлар — келажагимиз

САМАРҚАНДНИНГ КЎҲНА ЖОЗИБАСИДАН БАҲРА ОЛИШДИ

Юртимизда тарихий жойлар жуда ҳам кўп, аммо «дунё сайқали» дея эътироф этилган Самарқанднинг кўҳна жозибаси ҳали ҳам дунё ҳамжамиятини ҳайратга солмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бу тарихий ҳудуд янада ўзгача кўриниш касб этди. Эндиликда аждодларимиз томонидан бунёд этилган бундай кўҳна ёдгорликлар бугунги ёш авлод учун ибрат мактабини ўтаётган бўлса ажаб эмас. Самарқандга қачон борсангиз, бу обидалар ҳамиша келажақ ворислари томонидан зиёрат этилаётганининг гувоҳи бўласиз. Буюклар кўним топан жойлар ҳамиша ёшлар билан тўла.

Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш борасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳарқачаси ҳокимлиги, Ўзбекистон Қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Камолот» ЕИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси билан ҳамкорликда кўҳна Самарқанднинг тарихий гўшаларига уюштирилган саёҳат ҳам талабалар шаҳарчаси ёшларига яна бир бор буюклар ибратини туйиш имконини берди. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳамда талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган энг фаол, ташаббускор ёшлардан бир гуруҳи Самарқандга ташриф буюришди. Иқтидорли ёшлар даставвал буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ёдгор-

лигини, ундан сўнг Амир Темур ҳазратлари кўним топан Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишди. Регистон ансамбли ҳамда Шохизинда мажмуасига ташриф буюрган ёшлар бундай ноёб тарихий обидаларни кўриб, ўзбек заминидан туйилганидан фахрланиб кетган бўлса, ажаб эмас.

— Мен Самарқандда бир неча бор бўлганман, — дейди Зулфия мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Гулноза Шарофова. — Лекин ҳар гал бу тарихий обидаларни зиёрат қилганимда ўзимга янги-янги тарихий ҳақиқатларни кашф этман. Бундай кўҳна санъат асарларини кўриб, очигини айтсам, ўзбек халқининг нақадар буюклигидан фахрланиб кетаман. Бу фахрланиш туйғуси мени ҳаммиса олга интилишга, Ватан равнақи йўлида тинмай изланишга, юрт мадҳини куйлаб, тинмай ижод қилишга ундайди.

Тарихий хотирасиз, келажақ йўқ, дея Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, биз ёшлар агар миллат тарихини билмасак, аждодларимизнинг ноёб маданий меросини асраб-авайлашмасак, келажагимиз мустаҳқам бўлмайди. Уйлашимизки, иқтидорли ёшларнинг Самарқандга сафари ҳам миллат тарихини чуқур англашда, буюклар ибратини туйишда кичик бир қадам бўлади.

ЎТИР МАҲҚАМОВ,
«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги матбуот котиби

Эътибор қилганмисиз, эркакдир, аёлдир, ҳамма ҳар хил кексар экан. Узоқ умр кўришни эса барча бирдек орзу қилади. Баъзи кексалар дуоғўй, бошқалари ширинсўз, учинчилари доно, зукко.

Жамилахон ая Нурмуҳаммедова жуда файзли қариганлар десам ишонверинг. Бу деганим онахоннинг сўхбатларига тўймайсиз. Бу ҳам майли-я, ўз сўзлари билан инсонни ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга, умрнинг қадрига етишга даъват этиб, мазмунлироқ яшашга иштиёқ уйғотадилар.

Онахон ўз ҳаётларини тиббиётга бағишлаган инсонлардан. Тиббиёт бўлганда ҳам энг қийин, масъулиятли, эзгу ва савобли соҳа — акушер-гинекологияни танлаганлар. Дастлаб Охунбобоев номидаги ўқув юртининг шу бўлимида таҳсил олган. Ўқиганда ҳам шунчаки эмас, уқиб ўқиган. Танлаган касбига нисбатан меҳр билан ёндошди. Ўрта махсус ўқув юртини тугатгач Тиббиёт олийгоҳининг акушер-гинекология бўлимига кирди.

Соҳанинг миридан-сиригача билишга, ўрганишга ҳаракат қилди. Ахир бир инсонни ёруғ дунёга келтириб, аёлларга оналик бахтини ато этишдек савоб иш мутахассислигига ҳар ким ҳам юрак ютиб жазм қилавермайди. Жамилахон танлаган касбига қатъий киришди, интилувчан, ҳаракатчан, изланувчан қиз нафақат талабалар, балки ўқитувчиларнинг ҳам эътиборини қозонди. Олийгоҳни тугатгач ўзида касбига нисбатан тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Сўнг Тахтапуддаги 3-туғруқхонада меҳнат фаолиятини бошлади. Бу соҳада назариядан кўра кўпроқ амалиёт муҳим ўрин тугиши аниқ эди. Ёш гинеколог ўзини йўқотмади, тажрибали устозлардан сўраб ўрганди.

Бу ерда бир йилча ишлагандан сўнг уни Қашқадарё вилоятига ишга жўнатилди. Янги қурилган туғруқхонада ишларни тез йўлга қўйди. Ўзидаги ташилотчилик фазилатларини ҳам намойён этиб, тез орада аҳоли ўртасида ҳурмат топди. Бу ерда ҳам бир йил ишлагач 1954 йилда уни Тошкентга чакришди, Жамилахонга аввалгидан ҳам муҳимроқ вазифа 5-туғруқхонани очиб ишга тушириш вазифаси оқланди. У ҳар қандай шароитда ҳам ширин муомаласи билан одамлар билан тил топишиб кетарди. Ўзидаги қатъиятлик, одамхушлик, ташкилотчилик каби қатор ноёб фазилатлари эвазига ушбу вазифани ҳам аъло бажарди.

Ойлар йилларни қувиб ўтди. Иш қизигандан қизиди. Бош шифокор Жа-

милахон эл орасида «қўли энгил дўхтир» деган ном олди. У зийрак, ғамхўр, меҳрибон раҳбар эди. Барчани бирдек кўриб оғирини энгил қилишга уринарди. Бир куни жамоада ишлайдиган Қобилжонни хонасига чакриди, хомуш юриши сабабини сўради. У оилада фарзанд йўқлигини айтди. Жамилахон унинг аёли Зухрани кўриб, даволади. Тез орада у ҳомиладор бўлиб қиз кўрди. Шу зайл бузилай деб турган оила фарзанд билан ришталари боғланиб мустаҳқам бўлган эди.

Жамилахоннинг сеҳрли қўллари, илми, билимининг доғруғи нафақат республи-

— Дунёга келишимнинг асосий сабабчиси шу онахон бўладилар. Агар 5-туғруқхонада ишлаган отам Қобил акани чакриб, онам Зухрани даволатмаганларидан эҳтимол тугилмасдим. Шунга айтишса керак, яхшилик ерда қолмайди, деб. Онахон барча фарзандларим тўйида бош бўлдилар. Яна шунга таъкидлашни истардимки, онахон ўзлари билган, таниган барча невараларнинг оиласи ҳақида ҳам қайғуриб, уни мустаҳқам бўлишига ҳисса қўшадилар.

— Бу ерда яна бир қизим бор, — дедилар онахон кеча бошқарувчисига қараб. — 1956 йили 29 декабрда 5-туғруқхонада дунёга келган биринчи чақалоқ исми Сайёра. — Хотиранинг кучлигига барча тан берди.

Ўз навбатида Сайёра Дадахонова — Мусавва ҳам тақдирдан мамнулгини айтди. Чиндан-да Жамила она қўлида туғилганларни Оллоҳ ярлақганини қатор далиллар ва ҳаяжон билан гапирди.

— Ҳозир «Ҳажжи-Бой» меҳдиал сөрвис клиникасида бош шифокорман. Онахоннинг касбларини танлаб, меҳнат фаолиятини бошлаганман. Ўзларига ўхшаб бизга ҳам одамларга яхшилик қилгин шунда ҳурмат топсан, деб ўргатдилар устозим. Иншооллоҳ кам бўлмаямиз. Тўрт нафар фарзандим бор. Уғилларимдан бири тиббиётни танлаган.

Ўша куни бошқалар қатори мен ҳам тўрда ўтирган онахонга ҳавас билан қарадим. Қўлловчиларнинг чеки йўқ эди. Ҳамма онахоннинг нури чехрасидан баҳраманд бўлиб, дуоларини эшитиш ниятида.

— Бир-бирингизга меҳрли, оқибатли бўлинглар. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, Президентимиз раҳнамо. Шундай экан ҳазрати инсон эканлигимиздан фахрланиб, ҳасад, рашк ва ёмонликка йўл қўймасдан фарзандларимиз камоли, келажаги учун аҳил, иноқ бўлиб яшайлик. Шунда ёшимиз юздан ҳам ошиб кетади. Оилани қадрлаш керак.

Узоқ умр кўриш яхши. Лекин 90 ёшда ҳам ақлу заковати, ширин муомаласи, эзгу тиллақлари билан ўзгаларни ром айлаш бу катта бахт. Жамила онахон одамларга қилган яхшиликлари эвазига ана шундай бахтга эришганлар чоғи. Шу боис одамлар ёмонликдан йироқ бўлинг, бир-бирингизни асраб-авайланг, яхшилик қилинг, ҳаётим келади.

Муқаддас АБДУСАМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

2012 йил — Мустаҳқам оила йили
СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

ка, ҳатто бошқа давлатларга ҳам ёйилди. Москва, Улан-Удэ, Истанбул ва яна кўплаб шаҳарлардан келган аёллар ундан даво топиб оналик бахтига эришишган, онахонга ҳозирги кунгача келиб турадиган мактуб ва телеграммаларда миннатдорчилик изҳори ифодаланган.

Аллоҳнинг ишларига баъзан ҳайрон қолсан киши. Минглаб гўдақларини дунёга келтирган, юзлаб аёлларга оналик бахтини ато этган аёлнинг ўзи эса шу бахтдан бенасиб бўлди. Шоқир ака билан турмуши давомида фарзанд асрашга қарор қилишди. Охири Ҳикматиллага меҳр қўйишди. Иншооллоҳ қонил инсон бўлди. Машхураҳонга уйланиб ўздан кўпайди. Ота-она ҳурматини жойига қўйди. Унинг меҳри, кўрсатган эъзоз-туғайли Шоқир ака ва Жамилахон онада армон қолмади. Аввал Ҳикматиллага, кейин неваралар бахту камолини кўришди. Қатор эваралар олдинма-кейин воёга етишляпти. Невара келинлар ҳам тарбияли, иймон-инсофли.

Яқинда Жамила онахон 90 ёшлик таваллуд кунларини нишонладилар. Уйдаги ўнга яқин эваралардан ташқари яна минглаб эвара-чеваралари борлиги аниқ. Чунки юбилей муносабати билан кўплаб бошқа давлатлардан келган мактуб ва телеграммалар шундан дололат, қачон борманг онахон эвараларига ширин сўхбатлари билан ҳаёт дарсини ўтаётган бўладилар. Тантана кунда эл таниган тадбиркор Машхура Юсупова ўз кувончини аширолмади.

Тадбирлар

ДОРБОЗЛИК ЖАМОАЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида миллий дорбозлик жамоалари иштирокида «Майдон томошалари санъати байрами» ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари билрлшган қасаба уюшма қўмитаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ушбу санъат байрами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури» ижросини таъминлаш юзасидан миллий дорбозлик санъатини тиклаш, уларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш, «Устоз-шогирд» аъналарини давом эттирган ҳолда мустаҳқам оилада камол топаётган ёшларни халқ ижодиётининг ноёб турларига бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Мажлисда Марҳамат туманидан «Анджон самоси», Избоскан туманидан «Устозода», Сирдарё вилоятидан «Гулистон дорбозлари», Фарғона вилоятидан «Кўқон минори», Бағдод туманидан «Ўқтам дорбоз», Наманган вилоятидан «Наманган сеҳргарлари», «Норин дорбозлари», Қашқадарё вилоятидан «Шаҳрисабз» каби дорбозлик жамоалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, байрам доирасида дорбозлик жамоалари бадиий раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Насриддин БОТИРОВ

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР — МИЛЛАТ ЭРТАСИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилаётган аънавий «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурига ҳужжатлар қабули бошланди. Ҳужжатлар 2012 йил 1 августгача қабул қилинади.

Дастур доирасида ҳар йили юртимиз олий ўқув юрларида таҳсил олувчи 3-4-босқич иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар ажратилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлод ҳақида қайғуриш, уларга сифатли таълим олиши учун барча имкониятларни яратиш, юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотларда уларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Улар томонидан ўтказилаётган кўплаб лойиҳалар иқтидорли ёшларни излаб топиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жумладан, «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» талаба-ёшларни молиявий жиҳатдан рағбатлантириб, уларнинг қобилиятини қўллаб-қувватлаш, ўз қизиқишларини юзага чиқаришга имкон яратишда муҳим аҳамият касб этаётир. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга бир ўқув йили давомида ҳар ой қўшимча стипендия тўлаб борилади.

Талабанинг аъло баҳоларга ўқиши, фаоллиги ва иқтидорини ҳисобга олган ҳолда стипендия келаси ўқув йилига ҳам узайтирилиши мумкин. Иштирокчиларнинг танлов асосида саралаб олиниб, уларнинг ўқишдаги ютуқлари, етакчилик қобилияти, янгилик киритиш иштиёқи, танлаган касбига содиқлиги ва уни ривожлантириш учун ҳисса қўиши истаги инобатга олинади.

Бу лойиҳада иштирок этиш истагини билдираётганлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 2006 йилдан бери мазкур лойиҳада 7100дан ортиқ талаба иштирок этган бўлиб, уларнинг 617 нафари голибликка эришган. 117 нафар талабага стипендия тўлаш мuddати узайтирилган.

— Ўтган йили «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»да голиб бўлган эдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетида шартнома асосида таҳсил олаётган талаба Баҳром Нуриддинов. — Танлов моддий томондан рағбатлантирибгина қолмай, кишига катта руҳий мадад беради. Бундан ташқари, ўзингга ва биллимингга бўлган ишонч ортади. Юртимизда илмли, изланувчан ва ўз устида ишлайдиган ёшлар учун ҳар томонлама имкониятлар яратилган. Фақатгина ана шу имкониятлардан умумли фойдаланиб, ўз билим ва иқтидоримизни намойён этиб, нималарга қодир эканлигимизни кўрсата олсак, марра бизники.

Танловда иштирок этиш учун номзод иштирокчи анкетасини тўлдирши, олий ўқув юрти маъмуриятиндан талабанинг шу ўқув юртида ўқиши тўғрисида ва яшаш жойидан маълумотнома, режиссёр дафтари ҳақида маълумотнома ҳамда иккита тавсиянома тўққиз эштиш керак.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркiston-пресс»



Ўзбек гиламлари нафақат мамлакатимизда, балки дунё халқлари нигоҳида ҳам ўзгача кўриниши, миллий ва кўзни қувнатадиган жилолари билан машҳурдир.
Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Қилмиш-қидирмиш

ТАЪМАГИРЛИК ОҚИБАТИ

Одатда маҳалла қўмитаси аҳоли билан давлат ўртасидаги боғлиқлиқни таъминлаб берувчи институт, маҳалла оқсоқоли ва унинг ёрдамчилари аҳолининг оғирини энгил қилувчи халқ вакиллари ҳисобланашади. М.Солиева (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) Ҳамза туманидаги ана шундай маҳаллада фуқаролар йиғинларидан бирининг масъул котибаси. У маҳалланинг кўзга кўринган шахсларидан, кирмаган хонадонни, танимаган одами йўқ. Қисқа қилиб айтганда, у ўз маҳалласида жуда кўп ишларни дўндиради. Аммо, орасира қонунга хилоф ишлардан ҳам қайтмайди.

Фуқаро А.Зоированинг аризаси асосида ўтказилган тадбир котибанинг ана шундай қинғир ишларидан бирини фож этди. У ўз хизмат хонасида 2 ёшгача бўлган болалар нафақасини олиш учун ҳужжат тўғрилаш эвазига бида туриб, товламачилик

«Яхшилик қилда дарёга от...» деган ибратли мақол бор халқимизда. Дарҳақиқат, кимгадир яхшилик қилиш, ҳождатини чиқариш инсонга ҳузур бағишлайди. Шунчаки яхшилик эмас, балки зиммасидаги масъулиятли вазифани сидқидилдан бажармай, ўзганини ҳақини юзсизларча ўзлаштириб олишни одат қилган таъмагирлар ҳам бор орамизда...

йўли билан пора олаётганда кўлга олинди.

Маълум бўлишича, болалар пулини олиш мақсадида ёрдам сўраб, маҳалла қўмитасига мурожаат қилган фуқаро Зоированинг соддалигидан фойдаланган котиба пул ишлаб олиш мақсадида, «80 минг сўм берсангиз, ҳаммасини ҳал қилиб бераман», — дейди. Қонуний ҳуқуқини билмаган Зоирова бўлса, котибанинг «бошқа йўли йўқ», деган алдовига лаққа тушиб, унинг

тақлифига рози бўлади. Департаментнинг Ҳамза туман бўлими ходимларининг аралашуви билан оқордаги қонунбузарликнинг олди олинди. Ўз вазифасини суиистеъмол қилган котиба эса минг пушаймон бўлиб, қилмишига яраша жазо олди.

Равшан РАХИМОВ,
СВОЖДЛҚ
Департаменти
Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани
катта инспектори



Саломатлик — туман бойлик ВЕЛОМАРАФОНДА ЁШУ КЕКСА ИШТИРОК ЭТДИ

Спорт — соғлиқ гарови. У билан мунтазам шуғулланган киши турли касалликлардан йироқ бўлади, иши бароридан келади. Шу бонс мамлакатимизда спортнинг ҳар бир турини ривожлантиришга эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда.

Яқинда «Республикамиз ҳудудларида велоспорт турини янада ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, спортнинг ушбу тури билан шуғулланувчилар кўламини кенгайтириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2011 — 2012 йилларга мўлжалланган кўша тадбирлар тўғрисида»ги кўша қарориди белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида велоспорт бўйича марафон пойгаси ташкил қилинди. Унда велоспортга қизиқиши бўлган шахримиздаги қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг турли ёшдаги ишчи-хизматчилари иштирок эттиди. Тадбирчи Ўзбекистон Республикаси Касба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказида Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш

сизда тарбияланаётган бир гуруҳ икки-дорли кўзлар шўх-шодон куй-қўшиқларга рағбат тушиб, марафон иштирокчиларига кўтаринчи кайфият бағишлади. Марафонга старт берилиши олдиндан, 2011 йилги Осиё чемпиони кумуш медал соҳибдори М. Холмуродов тадбир қатнашчиларига ўзининг самимий ниётларини билдириб, уларга омад тилади. Даставвал, томошабинлар кўргазмачилик қилган «Бунёд» мактабгача таълим муассасаси болалари ўртасидаги мусобақага гувоҳ бўлишди. Кейин 7,5 километр масофага 25-35 ёшгача бўлган эркеклар ўртасида ўтказил-

ган мусобақада А. Смирнов, А. Кузнецов ва Р. Михайловлар голиблар сарфини бошқаришди. 35 ёшдан юқори бўлган эркеклар ўртасида марафони чизилган бўлган масофа 6 километрни ташкил этиб, бу беллашувда С. Лагутин биринчи, Д. Навиков иккинчи, В. Дмитрик учинчи ўринни эгаллашди. Айтиш жоизки, мусобақа қатнашчиларидан Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришмасининг тажриба учис майдонида локация қурилмаси ва радио ишчи бажариб келатган В. Дмитрик яқинда 70 ёшни қаршилайди. Шунга қарамай анча тегиш ва бугунги мусобақа голиблари-

дан бирига айланиб, кўпчиликни хайрон қолдириди. — 1957 йилдан буён хаваскор сифатида велоспорт билан шуғулланиб келаман. Тенгдош дўстларим билан ҳар ҳафта кўришиб, велосипедимизда кунига 60-100 километрга масофани босиб ўтамиз. Уйимдан ишонамгача бўлган масофа 7 километрни ташкил этади. Мана 27 йилдирки, ишга велосипедда қатайман. Ана шунданми, шу ёшгача чарчаш, турли оғриқлар нималигини билмайман, — дейди Дмитрик. 25 — 35 ёшгача бўлган аёллар учун марафони чизилган бўлган масофа 6 километрни ташкил этади. Унда Е. Тара-сенко галаба қозонди. 35 ёшдан юқори бўлган аёллар эса 3 километрик масофада ўзaro куч синашди. Бу йўналишда С. Исаева, Г. Бочкарева ва Т. Багдановалар ҳурмат шоҳрусларининг юқори рўнақларини забот этишди. Қолаверса, турли ёшдаги хаваскорлар ўртасидаги велоспорт мусобақаси ҳам ташкил қилиниб, унда А. Ваҳобов биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа сўнггида голибларга мусобақа мутасаддилари томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди. **Отабек ОТАЁРОВ**
Алексей Попов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Биз бировга эмас, ўзимизга насиҳат қилишимиз керак.
* * *
Ғазаб отига миниб чопма — йиқилиб майиб бўлишинг мумкин.
* * *
Шубҳа кишини бир умр таъқиб этади.
* * *
Хатони тузатишга ҳамиша имкон бор.
* * *
Бахтнинг қадрига етиш учун уни бой бериш шарт эмас.
* * *
Шубҳа гирдоби фарқ қилмай қўймади.
* * *
Жаҳл чиққанда ҳеч ким тўғри муҳокама юртолмайди.
* * *
Қаршиликка учраган севги баттар кучаяди.
* * *
Сирнинг фох бўлиш хавфи қаритади.
* * *
Кўнглингни очсанг, ҳамма киради.
* * *
Манфаат одамида самимият бўлмайди.
* * *
Ҳақиқатнинг кўзига тик боқиш осон эмас.
* * *
Юзи йўққа фарқи йўқ.
* * *
Ичинг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан нима фойда?
* * *
Молу давлат меҳру муҳаббатнинг ўрнига келади.
* * *
Ҳар кимдан бир боғ қолса, шу дунёнинг ўзи жаннат бўлади.
* * *
Кимнинг аслида кимлигини вақт кўрсатади.
* * *
Ҳар йўқотишининг бир топиши бор.
* * *
Буюкликни мақсад қилган киши майда-чуйдаларга эътибор бермаслиги керак.
* * *
Топиб айтилган гап нишонга тегади.
* * *
Ҳақ гап эътироз уйғотмайди.
* * *
Ёмоннинг ёмонлигига яхшилик билан жавоб қайтарсанг, бундан ортиқ ўч бўлмайди.
* * *
Инсонни оила муҳити шакллантиради.
* * *
Кимнинг кўли гул, кимнинг кўнгли.
* * *
Жожилга сўз ўқи таъсир қилмайди.
* * *
Биров ёлғондан ўламан деса, биров чиндан кафанини ҳозирлайди.
* * *
Вақт қушга ўхшайди.
* * *
Ҳаёт денгиз бўлса, севги бир тўлқин.
* * *
Шубҳа — кўринмас ёв.
(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2012 ЙИЛГИ ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ

«А» гуруҳи	
Польша, Греция, Россия, Чехия	
Ўйинлар:	
12 июнь 20:00 Греция — Чехия	— : — Вроцлав
12 июнь 22:45 Польша — Россия	— : — Варшава
16 июнь 22:45 Чехия — Польша	— : — Вроцлав
16 июнь 22:45 Греция — Россия	— : — Варшава
«В» гуруҳи	
Голландия, Дания, Германия, Португалия	
Ўйинлар:	
13 июнь 20:00 Дания — Португалия	— : — Львов
13 июнь 22:45 Голландия — Германия	— : — Харьков
17 июнь 22:45 Португалия — Голландия	— : — Харьков
17 июнь 22:45 Дания — Германия	— : — Львов
«С» гуруҳи	
Испания, Италия, Ирландия, Хорватия	
Ўйинлар:	
14 июнь 20:00 Италия — Хорватия	— : — Познан
14 июнь 22:45 Испания — Ирландия	— : — Гданск
18 июнь 22:45 Хорватия — Испания	— : — Гданск
18 июнь 22:45 Италия — Ирландия	— : — Познан
«Д» гуруҳи	
Украина, Швеция, Франция, Англия	
Ўйинлар:	
15 июнь 20:00 Швеция — Англия	— : — Киев
15 июнь 22:45 Украина — Франция	— : — Донецк
19 июнь 22:45 Англия — Украина	— : — Донецк
19 июнь 22:45 Швеция — Франция	— : — Киев
Чорак финал	
21 июнь 22:45 № 1 А 1 — ўрин	— В 2 — ўрин
22 июнь 22:45 № 2 В 1 — ўрин	— А 2 — ўрин
23 июнь 22:45 № 3 С 1 — ўрин	— Д 2 — ўрин
24 июнь 22:45 № 4 Д 1 — ўрин	— С 2 — ўрин
Ярим финал	
27 июнь 22:45 №1 голиби	— №3 голиби
28 июнь 22:45 №2 голиби	— №4 голиби
Финал	
1 июль 22:45	—



Футбол бўйича энг нуфузли турнир жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турмуш Европа чемпионатида қитъаннинг энг кучли 16 та терма жамоаси голиблик учун курашни бошлаб юборишди. Европа чемпионатининг очилиш маросими Польшада ўтказилди. 9 июнь шанба кунини Украинада ҳам ўзига хос футбол байрами театрлаштирилган концерт томошаларидан кейин очик деб эълон қилинди.

Нуфузли турнирнинг дастлабки баҳсини «А» гуруҳи вакиллари Польша — Греция терма жамоалари бошлаб беришди. Аввало, мутахассислар мухлислар томонидан анча кўчсиз деб аталган ушбу гуруҳдаги баҳслар ҳам қизиқарли кенгайлини таъкидлаш лозим. Чунки Польша — Греция терма жамоалари кескин кенган ўйинда мурося йўлини танлашга мажбур бўлишди. Ўйин 1:1 ҳисобидаги дуранг билан аяқланди. Шунингдек, Россия — Чехия терма жамоалари ўрашувида кўпчилик башорат қилиб бера олмади. Чунки ҳар икки терма жамоа ҳам ҳозирда нафақат Европа-нинг, балки жаҳоннинг энг кучли командалари ҳисобланишади. Албатта, португалияликларда футбол юлдузи Криштиану Роналду ҳаракат қилса, немислар сифиди кўтлаб футбол юлдузлари тўп суришади. Урашувда, очигини айтиш жоиз, устунлик Германия терма жамоаси тарафидан бўлди. Бир сўз билан айтганда ҳар икки терма жамоада ҳам гол уриш

Ўтган ҳафтанинг жума кунидан бошлаб Польша ва Украина мамлакатларида миллионлаб футбол мухлислари орзиқиб кутган Европа чемпионати старт олди.

очкони ёзиб қўйишди. Загоев (2 та), Широков ва Павличенколар чехлар дарвозасини аниқ нишонга ола билишди ҳамда гуруҳда уч очко билан яқна пешқадамга айланишди. «В» гуруҳидаги Голландия — Дания, Германия — Португалия терма жамоалари ўртасидаги баҳслар мухлисларга хаяжонли оларни тўхта этгани шубҳасиз. Энг қизиғи, ушбу гуруҳда ҳам барча мутахассислар, мухлислари хайратга солган шов-шувли натижа қайд этилди. Голландия — Дания термалари

учун қулай вазиятлар юзга келди. Аммо, 72-дақиқада Гомес томонидан португалиялик дарвозасига киритилган ягона гол немисларга 1:0 ҳисобидаги муҳим галабани инъом этди. **КЕЧА**
«Л» гуруҳидаги энг ажайиб баҳс мухлисларга олам-олам қувончини тўхта этди. Куррай заминнинг кучли терма жамоалари Италия — Испания баҳси билан гуруҳнинг биринчи тури бошланди. Айтиш жоизки, ҳар икки терма жамоада футбол юлдузлари жамланган. Испания амалдаги жаҳон ва Европа чемпиони деб эътироф этилса, Италия 2008 йилги Европа чемпиони ҳамда жаҳоннинг тўрт карра чемпиони ҳисобланади. Қизиғи, ҳар икки

Европа чемпионати — 2012 МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

учрашувида шубҳасиз 2010 йилги жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳибдори голландиялик чарм тўп усталари галабасига ҳеч ким шубҳа қилмаган эди. Лекин Европа чемпионатида кўчсиз жамоанинг ўзи йўқ, дегувчиларнинг фикри яна тўғри бўлиб қиди. 90 дақиқалик беллашувда деярли данияликлардан яқоқ устунлик қилган голландиялик футболчилар 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. «Ушбу гуруҳдаги Германия — Португалия баҳси қандай натижа билан аяқланишини олдиндан кўпчилик башорат қилиб бера олмади. Чунки ҳар икки терма жамоа ҳам ҳозирда нафақат Европа-нинг, балки жаҳоннинг энг кучли командалари ҳисобланишади. Албатта, португалияликларда футбол юлдузи Криштиану Роналду ҳаракат қилса, немислар сифиди кўтлаб футбол юлдузлари тўп суришади. Урашувда, очигини айтиш жоиз, устунлик Германия терма жамоаси тарафидан бўлди. Бир сўз билан айтганда ҳар икки терма жамоада ҳам гол уриш

терма жамоани энг машҳур дарвозабонлар Буффон, Касильяс кўриқлайди. Мазкур ўйин ниҳоятда қизиқarli, муросясиз курашларга бой кеңди. Ҳар икки дарвозабон томон уюштирилган хавфли ҳужумларнинг аксариятини Буффон ва Касильяс қайтаро олишди. Бирок 60-дақиқада аввал Динотали Касильяс кўриқлаётган дарвозага аниқ зарба йўллаб жамоани 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиққан бўлсада, орадан тўрт дақиқа ўтган Сильва Буффонни хато қилишга мажбур этди — 1:1. Ушбу дуранг натижа кейинги турлар янада қизиқarli кечилишга замин ҳозирлайди дейиш мумкин. Хорватия — Ирландия терма жамоалари беллашуви 3:1 ҳисобида хорватияликларнинг галабаси билан аяқланди. **БУГУН**
аса «Д» гуруҳи вакиллари Франция — Англия ҳамда Украина — Швеция терма жамоалари ўртасидаги ўрашувлар бўлиб ўтади. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

Мутахассис олимлар одам яшайдиган муҳитда кўзга кўринмас минглаб микроблар яшашини кузатганлар ва уларни микроорганизмлар деб аташган.

Фан БОЙ ТАЖРИБА ОРТИРИЛДИ

Зеро, юнон тилидан кириб келган «микроб» сўзи «кичик ҳаёт» деган маънони аналтади. Микроскопдагина кўриш мумкин бўлган «кичик ҳаёт» вакилларининг фанда бактерия, ачитки, вирус каби турлари аниқланган. Микроорганизмлар ҳақидаги фан — микробиологиянинг алоҳида йўналиши ўзбек олимлари томонидан чуқур татқиқ этилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида фаолият кўрсатаётган Микробиология илмий-тежириш институти бактерия, замбуруғларнинг биологисини, биокимёси каби йўналишларни татқиқ этиш борасида бой тажриба орттирди. Биологик фаол қўшимча оқсилли витаминлар, аминокислоталар, гормонлар, ветеринария учун зарурий препаратлар ҳам шу илмий муассаса маҳсули сифатида рўёбга чиқмоқда. Институт ахборот хизматида маълум қилинишича, ошқозон-ичак тизимида яшовчи микроорганизмлар асосида янги доривор модда ҳам ҳосил қилинди. «Ором», «Лактобактерин», «Бифидум-бактерин» сингари дори-дармонлар ошқозон-ичак фаолиятини меъёрлаштиришга ёрдам беради. Айни вақтда биопрепарат таркибидаги полисахаридлар ошқозон ва ичакдаги захарли моддаларни ўзига шимиб олиш хусусиятига эга. Институт олимлари экологик хавфсиз ва иктисодий самарадор бўлган фойдали микроорганизмлар гумат мажмуасини яратишга эришилди. Ушбу биоўғитни гўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экин-ларига ишлатишда суғориш жараёни қўл келади. Унинг таркибида ўсимлик ва микроорганизмларда кечадиган биологик жараёнга фаол таъсир қилувчи кислота мавжуд. Қишлоқ хўжалиги айниқса, суғориладиган ерларга тегишли экологик муаммони ҳал этишга қаратилган нефть парчаловчи бактерия штаммларини аниқлаш ҳам ўрганилди. Олимлар томонидан кон-металлургия комбинати қиндиларидаги геокимё фаол микроорганизмлар маҳаллий штаммлари ҳам татқиқ қилинди. «Биокристал» препаратининг сувдаги эритмаси вегетация дарида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда ҳашаротларга қарши энг яхши восита ҳисобланади. **Ақбар АЛИЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МҲЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тақроран аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 08.10.2009 йилдаги 13436-38/22-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи — 52 227 900 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қунаев кўчаси Савдо растасида жойлашган, умумий майдони 57 кв.м. бўлган бир қаватли бино — дўхон қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2012 йилнинг 29 июнь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МҲЖ нинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. **Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039**

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз ишда, хизмат сафаридида, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда ёки кундалик ташвишлар билан бозорда юрган пайтингизда, хонадонингиз ва мулкнингизнинг жинорий тажовузулардан ҳимояда бўлишини истайсизми?
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги Кўриқлаш бошқармаси ва туман кўриқлаш бўлимлари бу ишни амалга оширади!
Улар Сиз раҳбарлик қилаётган корхонангизни ёки хонадонингизни тарифлар асосида кўриқлаш ускуналари билан жиҳозлаб, ишончли кўриқловни таъминлайди.
Ойлик тўлов ҳақи Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган «Тариф» асосида тўланади.
Сиз ва яқинларингиз мулклариди, ҳамиша бизнинг ҳимоямизда!
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Кўриқлаш бошқармаси: 233-37-83, 237-61-08
Шайхонтоҳур ҚБ: 242-41-12, 242-41-24
Миробод ҚБ: 293-38-90, 283-43-59
Юнусобод ҚБ: 212-49-42, 212-49-37
М. Улуғбек ҚБ: 262-24-77, 262-04-60
Яккасарой ҚБ: 250-49-77, 250-90-22

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавлудотида кўра, 12 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво Тошкент шаҳрида муҳитида зарарли модда 12 июнь кунини ҳаво бироз ларнинг бироз йиғилиши ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фардан сениш даражаси 1-3 фойз да шомол эсади. Ҳарорат қулайлиги тахмин қилин-кечаси — 16-18, кундузи — моқда, тағкиқдор паст 30-32 даража иссиқ бўлади. ларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосла-ниш даражаси 1-3 фойз да шомол эсади. Ҳарорат қулайлиги тахмин қилин-кечаси — 16-18, кундузи — моқда, тағкиқдор паст 30-32 даража иссиқ бўлади.